УДК 631.6

НАСОСЛАРНИНГ ИШЛАМАЙ ҚОЛИШ ЖАРАЁНИ ТАСНИФИ.

Курбанов Шайдобек Шухратович - ТИҚХММИ Бухора филиали
“Гидротехника иншоотлари ва насос станциялари” кафедраси ассистенти
Ҳамроев Илхомжон Файзулло ўғли - TIQXMMI Бухоро филиал студент.

Аннотация: Насослар ҳар хил суюқликлар оқимини ҳосил қилувчи гидравлик машиналардир. Насослар ўзларига берилаётган механик ёки бошқа турдаги энергияни ўзи орқали оқиб ўтадиган суюқликнинг гидравлик энергиясига айлантириб беради. Насосларни ҳаракатга келтириш учун ҳозирги вақтда асосан электр двигателидан фойдаланилади. Баъзи ҳолларда ички ёнув двигателидан ҳам фойдаланишади. Ҳаракат тури бўйича насослар динамик ва ҳажмий насосларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш жараёнидаги ишламай қолиш – машинани ишлаб чиқариш ёки таъмирлаш жараёнидаги технологик операцияларнинг такомиллашмаганлиги ҳамда белгиланган талабларга риоя қилмаслик натижасида юзага келади. Фойдаланиш жараёнидаги ишламай қолиш– машинадан фойдаланишда белгиланган ишлатиш қоидаларни бузилиши натижасида юзага келади. Ишлаб чиқариш жараёнидаги ишламай қолиш – машинани ишлаб чиқариш ёки таъмирлаш жараёнидаги технологик операцияларнинг такомиллашмаганлиги ҳамда белгиланган талабларга риоя қилмаслик натижасида юзага келади. Юзага келиш характерига кўра ишламай қолишлар тўсатдан, аста-секин ва ўзгарувчан характерлиларга бўлинади. Тўсатдан ишламай қолиш – тўсатдан (бирданига) машина бир ёки бир нечта кўрсаткичларини ўзгариши натижасида юзага келади. Тўсатдан ишламай қолиш аниқ сабаблар оқибатида (деталларнинг чарчашдан емирилиш, синиши ва бошқа) пайдо бўлади. Бу турдаги носозликни олдини олиш ёки олдиндан аниқлаш имкони мавжуд эмас, чунки ушбу ишламай қолиш фойдаланиш нуқтаи назаридан қараганда тўсатдан пайдо бўладии.

Аста-секин ишламай қолиш – машина бир ёки бир нечта параметрларининг аста-секин ўзгариши натижасида юзага келади. Ушбу

ишламай қолишнинг асосий сабаби бу табиий эскириш ва ейилиш ҳисобланади. Бу ишламай қолишни олдиндан аниқлаш ва жараённи секинлаштириш имкони мавжуд. Ўзаро боғликлиги бўйича ишламай қолишлар ўзаро боғлиқ ва ўзаро боғлиқ бўлмаган турларга бўлинади [1,2].

Ўзаро боғлиқ бўлмаган ишламай қолиш – элемент иш қобилиятининг тизимнинг бошқа элемент ҳолатига боғлиқ бўлмаган ҳолда йўқолиши натижасида юзага келади. *Ўзаро боғлиқ ишламай қолиш* – тизимнинг бирон бир элементи иш қобилиятининг йўқолиши бошқа элемент иш қобилиятининг йўқолишига олиб келиши натижасида пайдо бўлади.

Мураккаблик даражасига кўра ишламай қолишлар биринчи, иккинчи ва учинчи даражалига бўлинади. Биринчи мураккаблик даражасидаги ишламай қолишга – навбатдаги кундалик ёки даврий техник хизмат кўрсатишда оператор томонидан бартараф этиладиган носозликлар турлари киритилади.

Иккинчи мураккаблик даражасидаги ишламай қолишга – бевосита кўчма техник хизмат кўрсатиш ёки таъмирлаш персонали ёрдамида бартараф этиладиган носозликлар турлари киритилади. Учинчи мураккаблик даражасидаги ишламай қолишга – ихтисослашган техник хизмат кўрсатиш ёки таъмирлаш устахоналарида бартараф этиладиган носозликлар турлари киритилади. *Чидамлилик- машина*, агрегат, узел, туташманинг ўзининг ишлаш қобилиятини охирги ҳолатгача сақлаш хусусияти. Машинанинг охирги ҳолати бундан кейин ундан фойдаланиш мумкин эмаслиги, самарадорлигининг пасайиши ёки хавфсизлик талабларининг бузилиши билан белгиланади ва техник ҳужжатларда изоҳланади. *Таъмирлашга яроқлилик*- машина (агрегат, узел) нинг техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш йўли билан ишламай қолиши ҳамда нуқсонларининг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишга мослашганлигидан иборат бўлган хусусияти. Таъмирлашга яроқлилик – ишончлиликнинг мураккаб хусусиятларидан бири бўлиб, сув ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун мос равишда назоратга ва хизмат кўрсатишга мосланганлиги, ўзароалмашинувчанлиги, тикланувчанлиги кабиларга ажратиш мумкин.

Сақланувчанлик- машинанинг ўз иш кўрсаткичларини сақлаши ва сақланиш муддати давомида ва бу муддат тугагандан кейин ҳам техник ҳужжатларда кўрсатилган қийматларда сақланиб туриш хусусияти.

Хизмат муддати- насоснинг ишлатила бошланганидан ёки буткул таъмирланганидан то техник ҳужжатларда, изоҳланган охирги ҳолатга келгунча ёки ҳисобдан чиқарилгунга қадар календар ишлаш давомийлиги.

Ресурс- насоснинг техник ҳужжатларда изоҳланган охирги ҳолатга қадар бажарадиган иши. Биринчи таъмирлашгача бўлган ресурс, таъмирлашлараро ресурс, белгиланган ресурс ва бошқа ресурслар фарққилинади. Таъмирлашлараро ресурс биринчи таъмирлашгача бўлган ресурсдан камроқ бўлади [3,4].

Использованная литература:

1. Хамроев Гиёсжон Файзулло угли, Тураев Саидали Сохиб угли. Выбор Рабочего Оборудования Гидроцилиндра, Установленного В Комбинированном Агрегате // Столица Науки статья в журнале - научная статья 2020. - №5 (22). – с. 96 - 104.

2. Ҳамроев Ғиёсжон Файзулло ўғли, Тўраев Саидали Соҳиб ўғли. ЭФФИСИЕНТ УСЕ ОФ ПРЕПАРАТИОН АГГРЕГАТЕС ФОР ПЛАНТИНГ ЛАНДС ИН А СИНГЛЕ ПАСС WИТҲ А СТРАИГҲТЕНИНГ ТОРСИОН WОРК // МАТЕРІАЛИ МІЖНАРОДНОЇ НАУКОВОЇ КОНФЕРЕНЦІЇ. (Т. 1), 12 червня, 2020 рік. Київ, Україна: МЦНД. - с. 119-121.

3. Х Нуров, ГФ Хамроев, Ж Сирожев, О Зайниев, М Мардонов, С Асадов ПРЕИМУЩЕСТВА ТЕХНОЛОГИИ ПРИМЕНЕНИЯ ПОСЕВНЫХ МАШИН УНИВЕРСАЛ В БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ // The Way of Science. 2019. № 12 (70). Vol. II. – с. 62-64.

4. K Qurbonov, Q Ro'ziqulov, S Qurbonov Definition of Ln 3+-ions parametersintensity in inorganic materials by Djadd-Ofelt method // The Ninth International Conference on Eurasian scientific development. Proceedings of the Conference. – 20.05.2016. – с. 135-138.